O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 11 март, № 49 (4459) Сешанба


# ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 10 март куни давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди.**



Дўрмон қароргоҳида Туркманистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Ислом Каримов Туркманистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларнинг суръат ва сифатини оширишга, ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилишини таъкидлади. Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистонга таклиф этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Туркманистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини, маънавий яқинликни юксак қадрлашини қайд этди. Президентлар бугунги музокаралар Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари тарихига янги, ёрқин саҳифа бўлиб киришига ишонч билдирдилар.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойидаги Туркманистонга давлат ташрифи асносида эришилган келишувларнинг ижроси кўриб чиқилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатига баҳо берар экан, мамлакатларимиз ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидладилар. Сиёсий соҳада халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳат иш юритиш икки томон манфаатига бирдек хизмат қилади. Сиёсий ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда, балки минтақада ўзаро ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштиришда ҳам муҳим омил саналади. Иқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика ресурслари ва сув иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, чегарадош ҳудудларда савдо-сотиқни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистонда туркман, Туркманистонда ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилиши ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади. Маданият, санъат, илм-фан, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва Туркманистонда яхши замин бор.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга эканлиги, истиқлол йилларида янги мазмун билан бойиб бораётгани, бугунги саммит икки халқнинг вақт синовидан ўтган қардошлик ришталари мустаҳкам эканлигидан ёрқин далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Туркманистон чегарага оид масалаларни оқилона ва амалий ёндашув орқали ҳал қилиб келаётгани қайд этилди. 2004 йили Бухорода бўлиб ўтган саммит асносида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган эди.

2007 йилда бўлиб ўтган Ашхобод саммитида эса давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу билан мамлакатларимиз ўртасидаги чегара тинчлик, дўстлик, яхши қўшничилик чегарасига айланди. Президентларнинг келишувига биноан, ҳуқуқ-тартибот, чегара ва божхона хизматларининг саъй-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириб борилади.

Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган. Мамлакатларимизнинг жуғрофий жойлашуви эса транспорт соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу транзит юк ташишда ҳамкорлик учун қулай имкониятдир. Ўзбекистоннинг бир йилда Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган юклари ҳажми 2 миллион тоннадан ошади. Туркманистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиладиган юклари ҳам шунга яқин. Демак, мамлакатларимиз ҳамкорликнинг бу соҳасида салмоқли тажрибага эга. Бу халқаро транзит соҳасидаги шериклик алоқаларини ривожлантириш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Нефть-газ соҳаси икки мамлакатда ҳам юқори суръатда ривожланмоқда. Бугун, дунёда энергия манбаларига талаб кун сайин ортаётган шароитда дунё давлатлари Ўзбекистон ва Туркманистонга яна ҳам кўпроқ эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз билан нефть-газ соҳасида ҳамкорлик қилаётган, шерикликка киришиш истагини билдираётган компаниялар сони ортиб бораётир. Ўзбекистон ва Туркманистон энергетик консорциумлар тузиш, янги қувур магистралларини барпо этиш, нефть ва газ ташиш, транзит қилиш, янги конларни ўрганиш ва ўзлаштириш йўлида ҳамкорлик учун яхши имкониятларга эга. Хусусан, мамлакатларимиз Каспийбўйи магистрали лойиҳасида биргаликда иштирок этмоқда.

Президентлар икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони Ўзбекистонни ҳам, Туркманистонни ҳам қониқтирмайди. Мамлакатларимиз ишбилармонлари мазкур соҳаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, сув-энергетика мажмуи, савдо-сотиқ каби кўплаб йўналишларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириши мумкин. Масалан, сув-энергетика соҳасидаги алоқалар иқтисодий фойда бериш билан бирга, ресурслардан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу орқали экологик мувозанатни сақлаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

**Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ислоҳотлар бугунга келиб ўз мевасини бера бошлади. Конституциямиз ва қонунларимизда кўрсатилган тамойиллар ҳаётимизни безамоқда, йўлларимизни нурафшон этмоқда. Шу туфайли ҳаётимизни қонунларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан ушбу жараён барчамизнинг ҳаётимизга, жумладан, қонун ижодкорлари — депутатларимиз фаолиятига ҳам бевосита дахлдордир.**

# ФАОЛЛИК – ДЕПУТАТГА ХОС ФАЗИЛАТ

Жараён

Аслида депутатларимизнинг бугунги эл билан очиқ ва ошкора мулоқотларини нафақат қонунчиликдаги янгиланишларга, балки уларнинг ҳар жиҳатдан фаоллашувига, профессионал парламент тажрибалари ортиб бораётганлигига йўйиш янада тўғрироқ бўларди. Қолаверса, бу Қонунчилик палатаси Регламентининг ҳаётий ва амалий кўриниши ҳамдир.

— Ушбу Регламентга мувофиқ, депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан ишлаши учун февраль, май ва ноябрь ойларининг охирги ҳафталари мўлжалланган, — дейди қуйи палата Спикери ўринбосари Аслиддин Рустамов. — Амалдаги қонунларимизда эса Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз фаолиятларини монеликсиз амалга оширишлари, шу жумладан уларнинг сайлов округларида сайловчилар билан олиб борадиган ишларини самарали ташкил этишлари учун зарур ҳуқуқий асослар ва имкониятлар яратилган. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятларининг кафолатлари етарли даражада мустаҳкамланган. Депутатлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда парламентчилик соҳасидаги миллий тажрибамиз, халқимизнинг менталитети, ва энг асосийси, можаритар сайлов тизимининг хусусиятлари инобатга олинган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ислоҳотлар туфайли қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бораётир. Бу ўзгаришлар эса, энг аввало, одамларимизнинг онгу шуурларида, тафаккурида намоён бўлмоқда. Уларнинг бугунги талаб ва эҳтиёжлари, истаклари ҳам ўзгача. Шу боис депутатларнинг сайловчилар билан олиб борадиган учрашувларини янада самарали ташкил этиш мақсадида Олий Мажлис қуйи палатасида февраль ойининг бошида «Қонунчилик палатаси депутатининг сайловчилар билан алоқалари: ҳуқуқий асослар ва амалиёт» мавзусига бағишлаб семинар ўтказилди. Семинар якунларига кўра, бир қатор тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

— Депутатларимиз учрашувлар жараёнида узоқ қишлоқ ва овулларгача бордилар, одамлар билан очиқ ва ошкора мулоқот қилиб, баъзи муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этишга эришдилар ҳам, — сўзида давом этди Спикер ўринбосари. — Жуда

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус-2008»

# Бунёдкорлик кўриги

***«Ташаббус-2008» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида шаҳар ва туманлар босқичлари ғолиби бўлган 50 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўзларининг энг сара маҳсулотлари билан қатнашдилар.***

Ғолибларни аниқлашда янги иш ўринлари ташкил этгани, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги самарали фаолияти каби омиллар асосий мезон қилиб олинди.

Унга кўра, Урганч шаҳридаги «Орзу» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси раҳбари Машариф Отажонов «Энг яхши тадбиркор», Хонқа туманидаги «Қувонч» фермер хўжалиги бошлиғи Тўлқин Отажонов «Энг яхши фермер», хивалик Шокир Абдуллаев эса «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди.

***Чирчиқ шаҳридаги Маданият саройида "Ташаббус — 2008" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Унда тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар кенг-шинам фойеларда пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, узумчиликни, саноат ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда эришаётган ютуқларини, замонавий технологиялар воситасида тайёрланган ва қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларини, рақобатбардош сифатли қурилиш ашёларини, маҳорату нозик дид билан яратилган нафис-бежирим ҳунармандчилик буюмларини, миллий ва замонавий андозадаги либосларни, ошхона ва мебель жиҳозларини намойиш қилдилар.

Якуний натижаларга кўра, Юқори Чирчиқ туманидаги ойна ва мебелларга сайқал бериш билан шуғулланувчи "TEHNOINVEST-ST" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Карим Исмагулов "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Қибрай туманидаги "Истиқлол-Шукурова Г.Н." фермер хўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова "Энг яхши фермер" деган номга лойиқ кўрилди. Лак миниатюраси ва рассомлик санъатини пухта ўзлаштирган зангиоталик Ғайрат Раҳматуллаев эса вилоят миқёсида "Энг яхши ҳунарманд" сифатида эътироф этилди.

Ғолиблар эндиликда республика миқёсида ўтказиладиган "Ташаббус — 2008" кўрик-танловида қатнашиш учун ҳозирлик кўрадилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# «ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ ЯШАЙМИЗ»

***Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўзини шу замин қувонч ва ташвишларига, унинг бугунги ва эртанги куни, келажаги тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир кишини лоқайд қолдирмади. Фарғоналиклар Юртбошимиз томонидан билдирилган самимий, шу билан бирга, танқидий фикр-мулоҳазаларни қайта-қайта дилидан ўтказиб, таҳлил этишга ҳаракат қилишди. Сабаби, мустақил юртимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўрни, салоҳияти, жуда катта имкониятлари бор бу вилоятда, мана, беш-олти йилдирки, ислоҳотлар бирдай юришиб кетмаяпти. Бошқа ҳудудларда ривожланиш, изланиш-интилиш яққол кўзга ташланиб, бу одамлар кайфияти, турмушида ўз ифодасини топаётган бир пайтда фарғоналиклар тўғрисида ундай деб бўлмайди. Чунки тараққиётда олға қадам ташлаш, истиқболга тийрак назар солиш сезилмаяпти. Нима учун?***

***Сессияда иштирок этган депутатлар, фаоллар, оддий деҳқонлар, ишчилар, фермерлар, фахрийларнинг жонсарак юз-кўзларидан айни шу саволни уқиш мумкин эди. Бунинг жавобини эса уларнинг дил сўзлари ифодалаб турарди.***

Муносабат

**Комилжон МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлоқ туманидаги «Мамажонобод Қаҳрамон» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мен энг бахтли деҳқонлардан бириман. Чунки Президентимиз ҳар сафар Фарғонага ташрифи чоғида, албатта, у киши билан учрашиш, мулоқотда бўлиш шарафига муяссар бўламан. Бу учрашувлар ва суҳбатлардан олам-олам баҳра оламан. Айниқса, Юртбошимизнинг вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни чуқур билиши, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлларини лўнда, аниқ-тиниқ тушунтириб беришидан ҳайратга тушаман. Шундай кезларда хижолат бўлиб кетаман. Нега биз ўз муаммоларимиз тўғрисида мана шундай теран ва одилона ўйлаб кўрмаймиз?

Узоққа бормайлик, ўтган йили вилоятда пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси базўр бажарилди. Лекин, афсуски, давлатга бешинчи сорт пахтани сотиш ҳисобидан давлат буюртмаси уддаланганини кўпчилик яхши билади. Бу биз, фарғоналикларга ярашадими? Биз ўз ор-номусимизни унутиб қўймаяпмизми?

(Давоми 2-бетда).

***Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA ҳамкорлигида «Ўзбекистон-Япония маданиятлари — ёшлар нигоҳида» мавзуида кўргазма очилди.***

# Ўзбекистон ва Япония маданиятлари кўргазмаси

Кўргазмада «Уруш хотиралари: Хиросима ва Нагасаки», «Ўзбекистонда яшаб қолган японлар хотиралари», «Нима учун японлар узоқ яшайди?», «Японча ёзиш санъати», «Япон кийимлари кўргазмаси» деб номланган бўлимларда юзлаб фотосуратлар, экспонатлар ва ўйинчоқлар намойиш этилди. Уларда япон халқи урф-одатлари, турмуш тарзи ва анъаналари акс этган.

Кўргазмани тайёрлашда Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Сартепа туризм коллежи ўқитувчилари ҳамда талабалари фаол қатнашди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — БОШ ВАЗИФА



**2008 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни 8 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.**

**Республикамизда макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, бош вазифа — иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашни амалга ошириш туфайли шундай ижобий натижага эришилади.**

# ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иш одамлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси яратилган, бизнес вакилларининг алоқаларини рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири ҳам товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтиришдир.

Ўзбекистонда Туркманистон, Туркманистонда Ўзбекистон товарлари миллий кўргазмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу икки мамлакатнинг салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари билан танишиш учун қулай шароит яратади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида замонавий технологиялар борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, бугун дунёда айни шу соҳа энг жадал тараққий этмоқда. У ёқилғи-энергетика мажмуида ҳам, транспорт коммуникацияларида ҳам, бошқа устувор соҳаларда ҳам кенг жорий этилмоқда. Бу йўналишда ҳамкорлик қилиш, тажриба ва ахборот алмашиш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалар сирасига киради.

Президентлар гуманитар соҳадаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Тошкентда ва вилоятларда туркман миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туркман тилида дарс ўтиладиган мактаблар бор. Буларнинг барчаси халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Илм-фан, маданият ва санъат намояндаларининг мулоқотларини фаоллаштириш бу дўстликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг гўзал табиати сайёҳликни ривожлантириш учун яхши омил саналади. Икки томонлама сайёҳ алмашувининг ривожланиши сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштиришда ҳамкорлик жадаллашишига, пировардида, бошқа давлатлардан сайёҳ жалб этишнинг кўпайишига олиб келади. Ўзаро спорт мусобақаларини ташкил этиш ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов ушбу имкониятларни таҳлил этиб, Ҳукуматлараро қўшма комиссияга, мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар бердилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон-Туркманистон қўшма коммюникесига ҳамда 2007 йил 18 октябрда Ашхобод шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган хўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар, кўриб чиқилган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб боришига ишонч билдирилди. Зеро, бундан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдай манфаатдор. Зотан, ҳамкорлик — тараққиётнинг муҳим омилидир.

— Ушбу ташрифга Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин тасдиғи сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — 2007 йил октябрь ойида Ашхободда бўлиб ўтган учрашувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги янгича муносабатларни қарор топтириш, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш учун пойдевор бўлди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва дастур ушбу соҳадаги истиқболли вазифаларнинг ижро этилишини таъминлайди. Жорий йил бошида Ашхободда Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг йиғилиши ўтказилгани ҳамда Ўзбекистон миллий кўргазмаси ташкил этилгани савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришнинг янги имкониятларини очишга хизмат қилди. Бугун имзоланган ҳужжатлар, жумладан, Қўшма коммюнике сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ишончга асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Туркманистон интилишлари муштарак эканлигидан яна бир далолат бўлди.

— Бугунги учрашув Туркманистон-Ўзбекистон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарган Ашхобод саммитининг мантиқий давомидир, — деди Гурбангули Бердимуҳамедов. — Бу муносабатлар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик, амалий ёндашув асосига қурилган. Хусусан, бугун имзоланган агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим қишлоқ хўжалиги борасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича катта тажрибага эга, селекция соҳасидаги муваффақиятларимиз ҳам эътиборга лойиқ. Замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистондан Туркманистонга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни ҳам назарда тутади.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Туркманистон раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедов Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирди. Олий мартабали меҳмон бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самараси эканлигини, ISESCO томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани замирида чуқур маъно мужассам эканини алоҳида таъкидлади. Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ФАОЛЛИК — ДЕПУТАТГА ХОС ФАЗИЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўплаб таклифлар умумлаштирилиб, депутат сўрови сифатида давлат органларига берилмоқда. Бу галги учрашувларимизнинг энг самарали томони шунда бўлдики, депутатларимиз биринчи навбатда аҳолининг бугунги талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шу ернинг ўзида газ, электр, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти ва бошқа масалалар тўғрисидаги маълумотлар билан тўла «қуроллантирилди». Қолаверса, зарурат топилганда учрашувларга маҳаллий молия бўлимлари, халқ таълими бошқармалари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, ҳуқуқ-тартибот идоралари, газ, электр, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, туман ва шаҳар маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ҳам жалб этилди. Бу эса айрим муаммоларни, боя таъкидлаганимиздек, жойнинг ўзида ҳал этиш имкониятини берди.

Дарҳақиқат, Қонунчилик палатаси депутатлари бу даврда сайловчилар билан учрашувга тўла маънода тайёр эдилар. Негаки, улар учун Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси энг катта дастур эди. Қолаверса, ўзларининг ўтган йилги қонунчилик фаолияти ҳам анча сермаҳсул бўлди. Ўнлаб қонунлар қабул қилинди, кўплаб қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Энг асосийси, қабул қилинишида ўзлари фаол иштирок этган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар 2008 йил 1 январдан кучга кирди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам иқтисодий ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутади. Аниқроғи, бу ҳужжатлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишни янги босқичга кўтарди. Зеро, семинар якунлари юзасидан тайёрланган тавсияларда ҳам ушбу масалалар ўз инъикосини топган эди.

— Ҳозирги ёшлар илмга чанқоқ. Уларнинг қизиқиши, интилиши осмон қадар. Энг муҳими, улар ўз келажагига бефарқ эмас. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иззатулла Толибовнинг Пешку туманидаги тиббиёт коллежида ўз сайловчилари билан учрашув чоғида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик, — деб ёзади бухоролик мухбиримиз Истам Иброҳимов. — Депутат Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, қуйи палатадаги қонун ижодкорлиги, қонун, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, палатанинг «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракцияси фаолияти ҳақида сўз юритди. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, ёшларнинг олий таълим юртларида таҳсил олиш имтиёзлари, уларни иш билан таъминлаш муаммолари тўғрисида гап кетганда суҳбатлар янада жонланди.

Депутат нафақат бу ерда, балки «Пешкутекс» қўшма корхонасида, Шофиркон туманидаги Саврак, Толгузар қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда ҳам сайловчилар саволларига жавоб берар экан, аввало, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор берилаётганлиги, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ишлари босқичма-босқич давом этаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувларда шу нарса аён бўлдики, одамлар янги қабул қилинаётган қонунларга бефарқ эмас эканлар. Депутатларнинг таъкидлашича, кўплаб сайловчилар «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар юзасидан жиддий саволлар беришган, баҳс-мунозаралар бўлган, ўз шахсий истак ва таклифларини баён этишган. Айниқса, «Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг яратилиш жараёни, унинг ижро амалиётидаги баъзи англашилмовчиликлар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Табиийки, бу қонунга турар-жой муаммосини ҳал этишда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси асос қилиб олинган. Гаровга қўйишнинг янги тизими ҳамюртларимизга ўзларининг шахсий уй ва квартираларига эга бўлиш имкониятини яратди. Учрашувлар қатнашчилари, айниқса, ёшлар қонун яратган бу имкониятдан ҳали тўла хабардор эмаслигини таъкидлашди ва депутутлар билан бўлган мулоқотлар ўзларининг ҳуқуқий билимларини анча кенгайтирганлигини эътироф этишди.

— 25-26 февраль кунлари Жондор туманининг Хўжаҳайрон, Хумин, Боғиоб маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлдим, — дейди Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Зуҳра Ботирова. — Менга туман ҳокимининг ижтимоий масалалар ва молия бўйича ўринбосари, туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамроҳлик қилишди. Барча маҳаллаларда аҳолининг кайфияти баланд. Одамлар баҳорий юмушлар тараддудида. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга умид ва ишонч билан қарашмоқда. Бухоро тиббиёт институти, кейинчалик Ромитан туманидаги мактаб, коллеж, болалар боғчаси, шифохона, маҳаллалар, савдо дўконларида ҳам мен одамларда ана шундай фаоллик ва кўтаринкиликни кўрдим. Улар билан турли мавзуларда суҳбатлашдим, ўқиши, яшаши, дам олиши билан қизиқдим, муаммоларини ўргандим. Шунда англадимки, биз мутасадди раҳбарлар, маҳаллий ҳокимият билан биргаликда ҳали анча ишлар қилишимиз зарур экан. Жумладан, мактабларда дарсликлар таъминотини қайта кўриб чиқиш, шифо масканларининг замонавий тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёжини қондириш, кутубхоналарда Ўзбекистон Республикаси қонунлари бурчакларини ташкил қилиш, касб-ҳунар коллежлари мутахассислик йўналишларига ўзгартиришлар киритиш, яъни уларни қайта ихтисослаштириш, жойларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш каби масалалар, бевосита бўлмаса-да, билвосита биз депутатларнинг ҳам зиммамиздаги вазифалардир.

Депутат сайловчилар билан учрашди, ташвишу қувончларини эшитди, ҳамдард бўлди. Таклиф ва мулоҳазаларини керакли идораларга етказди ҳам, дейлик. Хўш, бу билан одамларнинг мушкули осон, оғири енгил бўлдими?

— Бўлди ва бўлади ҳам! — дейди 78-Туйтепа сайлов округидан депутат Исмоил Саифназаров. — Менинг, масалан, сайловчилар билан учрашувим Оҳангарон туманидаги Тут қишлоғидан бошланди. Учрашувда депутатлик ишлари, қабул қилинган қонунлар, назорат-таҳлил фаолияти, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси хусусида гап борди. Шунингдек, қишлоқ аҳли ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўл таъмири, автобус қатнови, боғчалар танқислиги каби ўз муаммоларини ҳам айтишди. Биз булар ҳақида туман ҳокими ва мутасадди ташкилотларни огоҳлантирдик. 4 март куни эса Тут қишлоғидан хушхабар келди: эрта-индин ичимлик суви масаласи ижобий ҳал бўлади!

Ушбу учрашувлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сайловчиларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар ва ўзлари ҳам ушбу ўзгаришларнинг иштирокчиси сифатида ташаббус кўрсатиб, фаол ишламоқдалар. Қолаверса, улар учрашувлар туфайли профессионал парламент фаолиятидан, кўплаб қонунларнинг асл мазмун-моҳиятидан хабардор бўлдилар. Одамларнинг бугунги муаммоларини бартараф этиш, уларга қулай яшаш ва ишлаш шароитлари яратиш бўйича керакли давлат идораларига парламент сўровлари жўнатилди. Истардимки, учрашувлар натижалари бўйича жойлардаги мутасадди раҳбарлар палатанинг ялпи натижалар муҳокамасига таклиф этилиб, уларнинг ҳисоботлари эшитилса...

— Бугун қонунни билмаган деҳқон ютқазади, десам ишонаверинг, — дейди касбилик фермер Нарзулла Халилов. — Қонун эндиликда фермернинг ҳам йўлларини чироқ бўлиб ёритмоқда, унга имкон ва имтиёзлар бермоқда. Кеча учрашувда парламентга биз сайлаган депутат ҳам ўзининг қонунчилик фаолияти билан бирга янги қабул қилинган бир неча қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди. Шунда англадимки, ҳали бизнинг билганимиздан билмаганимиз кўп экан. Бундай учрашувлар, айниқса, ёшлар учун жуда ибратлидир. Депутат ислоҳотларнинг иштирокчисигина эмас, балки унинг ташаббускори ҳам эканлигига, бу ҳақиқий профессионал парламентда шаклланишига халқ вакилларининг ўша учрашувларидан кейин яна бир карра иқрор бўлдим.

Ҳақиқатда ҳам, мамлакатимизнинг олий қонунчилик органида фаолият кўрсатаётган депутатларимизнинг сайловчилар билан йил бошидаги учрашувлари самарали кечди. Тўғри, бундай учрашувлар илгарилари ҳам бўларди, аммо уни ким билиб, ким билмай қоларди. Бугун эса мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида барча ёш ва турли касбдаги кишилар депутатлар билан учрашув таассуротларини муҳокама қилмоқда, депутат кўтарган масалалар ечимини кутиб яшамоқда. Эҳтимол, уларнинг айримлари ўзлари кўтарган муаммолар ечимининг депутатга бевосита дахлдор эмаслигини яхши англамас, аммо энди улар халқ вакилига ишона бошлади!

Одамлар бу учрашувлардан яна бир нарсани англашди: фаоллик депутатга хос фазилат экан!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маълумотларига кўра, февраль ойининг сўнгги ҳафтасида депутатларимиз жойларда 500 дан зиёд учрашувлар ўтказган. Учрашувларда жами 100 минг нафарга яқин сайловчи иштирок этган. Бу мулоқотларда ёшлар муаммоларидан тортиб экология, коммунал хизматлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, кредит, бандлик каби ўнлаб масалалар ўртага ташланди, айримларининг ечими жойида, маҳаллий ҳокимият ёрдамида топилди, бир қисми юзасидан давлат идораларига депутатлик сўровлари юборилди.

— Депутатлик учрашувлари палатадаги ишлар суръатига заррача таъсир қилгани йўқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов. — Биз бир ёқда сайловчилар билан учрашувлар ўтказдик ва айни дамда палатамиз қўмиталарида «Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва бошқа қатор қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилди.

Ҳа, сайловчилар билан учрашувлар тугади, лекин депутатнинг ҳаловатсиз меҳнат кунлари ҳеч қачон тугамайди!

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ шоири.**

# АЙРИЛМАС

*«Ё ҳақ!» — деб йўл олса манзилга карвон,*
*Йўл бошлаган чўнг норидан айрилмас.*
*Ошиқлар кўнглидан кечар минг армон,*
*Бир армони — дилдоридан айрилмас.*

*Неларни кўрмагай инсоннинг боши,*
*Бежиз айтмаганлар: «У сойнинг тоши».*
*Донолар, бир жойга етса ҳам ёши,*
*Пири берган туморидан айрилмас.*

*Қачон донг чиқармиш, ахир, ёлғиз от,*
*Фарзанд оқил бўлса — падарга қанот.*
*Йигитга дуч келса Ҳаёт ё Мамот,*
*Дўстларининг дийдоридан айрилмас.*

*Демишлар: «Сўқир ҳам кўргай ёрқин туш»,*
*Озод даврон сурмоқ ҳар нарсадан хуш,*
*Қафасга гар тушса учиб юрган қуш*
*Эркинликнинг хуморидан айрилмас.*

*Хор бўлмас, аждодин кимки ёд этган,*
*Ўтган азизларнинг руҳин шод этган,*
*Авлодлар тақдирин ўйлаб дод этган*
*Ота-бобо мозоридан айрилмас.*

*Ҳар ким билганича чертгай созини,*
*Моли тоза одам қилгай нозини,*
*Мард киши кўп дегай ҳатто озини,*
*Ризқин топган бозоридан айрилмас.*

*Боғу чаманзори кўндир оламнинг,*
*Дилда орзуси ҳам мўлдир одамнинг.*
*Агар дин-имони бўлса боламнинг,*
*Турон отлиғ диёридан айрилмас.*

*Пешвоси бор юртнинг бутундир бахти,*
*Асло хазон бўлмас эккан дарахти,*
*Ҳар кимга буюрсин ўз тожу тахти,*
*Номусли эл шуңқоридан айрилмас.*

*Айрилса айрилгай тоғлар қоридан,*
*Айрилгай беҳиммат бой ҳам боридан,*
*Вафосиз айрилгай дўсту ёридан,*
*Шоир халқи ашъоридан айрилмас.*

*Қўлга қалам олдим қутлуғ бир куни,*
*Махтумқули шеърин бўлиб мафтуни,*
*Агар қуйлар бўлса Абдулло уни,*
*Бир умрга шўх торидан айрилмас.*

# Чинозликларнинг севимли маскани

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган Чиноз шаҳридаги "Чиноз Наврўз Барака Сервис" масъулияти чекланган жамияти аҳолининг севимли масканларидан бирига айланди. Сабаби, бу ерда одамларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган бўлиб, сифатли хизмат кўрсатилади. Хусусан, 500 ўринли тўйхона, 8 бўлимдан иборат супермаркет, новвойхона, кафе-бар доимо эл хизматида. Айни пайтда мужмуада ўз ишининг устаси — 42 нафар ёш йигит-қиз меҳнат қилмоқда.




**СУРАТДА:** жамиятнинг бир гуруҳ ишчилари.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

# «ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ ЯШАЙМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимизнинг куйинганича, ташвиш чекканича бор. Вилоятдаги 24 мингдан зиёд фермерлар бу масъулиятни орият деб билсагина ишда ўзгариш, ривожланиш бўлади.

**Аъзамжон РАҲМАТУЛЛАЕВ, «Сирдарё-Сўх» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи:**

— Вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида юзага келган қолоқликнинг сабаблари изланса, бир томони, сўнгги йилларда ҳудудда мелиорация-ирригация ишларининг бутунлай издан чиққанлигига бориб тақалади. Аммо, таажжубки, бу соҳадаги аҳволни ўнглаш ҳақида биринчи бўлиб биз, мутахассислар эмас, балки Юртбошимиз ташвиш чекиб, бонг урдилар.

Дарҳақиқат, вилоятда ирригация-мелиорация ишлари эътибордан четда қолгани, тизим мутлақо ишламаётгани рост-ку?! Оқибатда, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг тенг ярми шўрланиб кетди. Шўр тупроқ ҳатто қишлоқлардаги унумдор ерларга ҳам кириб кела бошлади. Шукурким, бу офатнинг олдини олишда ҳам Юртбошимиз бош-қош бўлаяпти. Фақат шу йилнинг ўзида вилоят бўйича ирригация-мелиорация ишларига 8,5 миллиард сўм маблағ ажратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бу маблағ озми ё кўп? Агар бундан икки йил аввал умуман республика бўйича ушбу соҳага шунча миқдорда маблағ ажратилгани ҳисобга олинса, жорий йилда биргина бизнинг вилоятимизга қанчалик молиявий кўмак берилаётгани аён бўлади. Бундан қувонмай бўладими? Боз устига, вилоятга лизинг асосида 73 та янги, замонавий экскаватор олиб келинаяпти.

Кекса ирригаторларнинг айтишича, совет тузумининг 70 йиллик ҳукмдорлик даврида бутун Ўзбекистонга шунча миқдорда экскаватор келтирилмаган экан. Сессиядан кўнглим тоғдай кўтарилиб қайтдим ва янгича ишлашга қатъий аҳд қилдим.

**Замирахон ОХУНОВА, Ю. Отабеков номли Қўқон таянч тиббиёт коллежи директори:**

— Вилоят сессиясига коллежимизнинг 2008 йил — Ёшлар йилига мўлжалланган дастурини олиб борган эдим. Юртбошимиз мунозаралар асносида бу муҳим тадбирнинг аҳамиятини, уни эртанги кунимиз, ёш авлод тақдирига дахлдорлик томонларини шундай содда, самимият билан тушунтириб бердиларки, пировардида, шу мулоҳазалар, кўрсатмалар асосида дастуримизни қайта тайёрлаш лозимлигини англаб етдим. Зеро, биз дастурда ёшлар сиёсатига оид жуда кўп нарсаларга эътибор бермаган эканмиз.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтишимга тўғри келади. Бугун бутун Қўқон шаҳри аҳлининг дилида ғурур, кўнглида фахр-ифтихор туйғулари мужассам. Чунки Юртбошимиз Қўқони латиф тарихи, ўтмиши, келажаги билан шахсан қизиқаётгани, 2008-2012 йилларда шаҳарни ривожлантириш дастурини тайёрлаш юзасидан берган кўрсатмалари, қолаверса, унинг тўйини ўтказиш юзасидан билдирган истакларидан ҳамманинг боши осмонга етди. Бу юракдан айтилган гаплар ўша куниёқ шаҳарнинг 50 дан зиёд маҳалласидаги ҳар бир хонадонга етиб борди. Маҳалла ва гузарларда байрам бўлиб кетди.

* * *

Чиндан ҳам, давлатимиз раҳбарининг Фарғонада бўлиши, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳар бир фарғоналикнинг юрагида акс-садо берди. Эртанги кунга ишонч уйғотди. Бу ишонч эса, уларни истиқболга интилиб, изланиб яшашга фидокорона меҳнат қилишга даъват этмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

# Сайловлар бўлиб ўтди



***Якшанба куни Испанияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда ҳукуматни бошқариб келаётган Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП) ишончли ғалабага эришди.***

Сайлов якунларига кўра, ИСИП парламентда 168 ўринга эга бўлди. 2004 йилдаги сайловда 164 ўринга эришган эди. Унинг сиёсий майдондаги асосий рақиби Халқ партияси эса 154 ўринни қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, мамлакат парламентида жами 350 ўрин мавжуд.

# Учиш чизиғидан чиқиб кетди



**Индонезияда "Adam Air" авиакомпаниясига қарашли Boeing 737-400 самолёти учиш чизиғидан чиқиб кетди.**

**"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, кучли ёмғир ёғиши бу ҳодисага сабаб бўлган. Йўловчилардан ҳеч ким зарар кўрмаган, фақат самолётнинг ён қанотига бироз шикаст етган.**

# Шри-Ланкада портлаш



Шри-Ланкада кучли портлаш амалга оширилди.

"Франс-пресс"нинг маълум қилишича, портловчи қурилма мамлакатнинг Коломбо шаҳри ҳудудидаги кинотеатрнинг кириш қисмида ишга туширилган. Натижада бир киши ҳалок бўлди, уч киши яраланди.

Ҳукумат вакиллари мазкур портлаш мамлакатдаги қўпорувчи гуруҳ томонидан амалга оширилганини айтишмоқда.

# Ўрмонга ўт кетди

**Гондурасда кучли шамол оқибатида ўрмон ёнғинлари келиб чиқди.**

**ИТАР-ТАСС агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, ёнғин туфайли етти киши ҳалок бўлган. Қутқарув хизмати ходимлари қурбонлар сони ошиши мумкинлигини таъкидлаяпти.**

# Бир оилага — бир фарзанд



Маълумки, 1970 йилдан буён Хитойда «Бир оилага — бир фарзанд» сиёсати амалга ошириб келинаяпти. Бу сиёсат кейинги ўн йилда ҳам худди шундай кўринишда давом этади.

Бу ҳақда Хитой оилавий режалаштириш вазири Чжан Вэйцин расмий ахборот берди. Вазирнинг сўзларига кўра, оилаларга икки ёки уч фарзанд кўришга рухсат бериш мамлакат ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда Хитой аҳолиси 1,3 миллиард кишини ташкил этади.

# Ёстиқ-телефон



**Дунё олимлари янги замонавий "purCushion" номли ёстиқ кашф этишди.**

**"The Register" нашрининг ёзишича, ёстиққа микрофон ва "Bluetooth" қурилмаси ўрнатилган. Аҳамиятлиси, унда тўшакда бемалол ётган ҳолда телефон қилиш, қўнғироқларга жавоб бериш имконияти бор.**

**Ёстиқнинг аккумулятори саккиз соатга етади. Мутахассислар ёстиқ-телефоннинг нархини 500 долларга тенг, дея баҳолашмоқда.**

# Кучли довул



***Буюк Британияда содир бўлаётган кучли довул фуқароларни қийин аҳволга солиб қўйди.***

"Sky News" телеканали хабарига кўра, шамолнинг тезлиги секундига 36 метрга етди. Айни пайтда мамлакат аэропортларида самолётлар қатнови бекор қилинган. Йўлларда турли транспорт ҳодисалари юз бермоқда. Беш минг нафарга яқин аҳоли хонадони электр манбаисиз қолган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**Мўъжазгина қорамтир дискнинг «МЕДИВ» деб аталиши бежиз эмас – русчадан «МЕдицинское ДИВО» маъносини берувчи бу мосламани ҳақиқатан ҳам тиббиёт мўъжизаси деса бўлади. У оғриқни қолдириб, қон босимини меъёрига келтиради, руҳий тушкунликка барҳам бериб, кайфиятни кўтаради ва уйқуни яхшилайди. «МЕДИВ»нинг энг кучли дори-дармонлар ҳам таъсир қилмаган ва яшашдан умидини узган беморларга ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатиб, уларни дард чангалидан қутқариб қолган ҳолатлари кўп бўлган...**

**Маълумки, шифокор-олимлар «мўъжиза» сўзини ишлатмасликка ҳаракат қилишади. Лекин мазкур биологик қувват аккумуляторини ихтиро қилиш баробарида илм-фан айнан шундай мўъжизани яратди. Ва бу мўъжизани бемалол тушунса бўлади.**

«Онам гормонларга боғлиқ бўлмаган бронхиал астма ва сурункали бронхит касалликлари туфайли анчадан буён азоб чекиб келардилар. Бир ярим йил мобайнида ичилган турли хил хапдорилардан асло наф бўлмади. Ахири уларга «МЕДИВ»ни сотиб олдим. Мана, энди, «МЕДИВ» туфайли онамнинг аҳволи анча яхшиланди: нафас қисилиши хуружлари йўқолиб, тунги йўталлар барҳам топди, натижада, уйқулари ҳам изга тушди».

*Ҳакимов И. В., Тошкент ш.*

Мазкур дил сўзлари «МЕДИВ» энергия-ахборот алмашинувини меъёрлаштирувчи мосламасининг Марказий Осиёдаги ягона дистрибьютори бўлмиш «Медив-Сервис» компанияси номига келаётган юзлаб мактублардан атиги биттаси, холос.

***— «МЕдицинское ДИВО» ўзи нима? – Биологик қувват бахш этувчи «хантал»ми ва унинг таъсир кўрсатиш механизми нимага асосланган? Ана шундай саволлар билан мухбиримиз маслаҳатчи-шифокор Александр Евгеньевич Шараповга мурожаат қилди:***

– Шу кунгача ўхшаши бўлмаган бу ноёб мослама Ленинград мудофаа заводининг махфий лабораторияларида бундан қарийб чорак аср муқаддам дунё юзини кўрди ва узоқ йиллар давомида ўз кашфиётчиси бўлмиш биофизик В. А. Зорин номи билан аталиб келди. Зориннинг «Энион»и инсониятнинг табобат дунёсида асрлар давомида тўплаган тажрибаларининг энг яхши қирраларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда қўҳна Тибет роҳибларининг сирларидан тортиб то ҳарбий шифокорларнинг амалий тажрибаларигача ўз аксини топгандир. Унинг шифобахш хусусиятлари она-табиатнинг ўзидан олинган бўлиб, замонавий илмий ишланмалар шарофати билан бу хусусиятлар бир неча ўн баробар кучайиб, мукаммаллашиб боради. «МЕДИВ» таркибига кирувчи биологик фаол моддалар саломатлик дискини тайёрлаш жараёнида кўп босқичли мураккаб ишлов беришдан ўтади. Натижада бу моддаларнинг қувват салоҳияти шу қадар кучаядики, ҳатто бемор танасига теккизганда шикастланган орган тўқималарининг ишини фаоллаштиради ва шу орқали уни патологик ҳолатдан, яъни дард чангалидан чиқариб олади.

***— Александр Евгеньевич, «МЕДИВ»дан қандай ҳолларда фойдаланиш кўпроқ самара бериши мумкин?***

– Булар сирасига, аввало, фақат кексалардагина эмас, балки жуда ёш беморларда ҳам учраши мумкин бўлган таянч-ҳаракатланиш аппаратида кузатиладиган қуйидаги хасталиклар киради, яъни: умуртқа остеохондрози, артритлар, артрозлар, бурситлар, миозитлар. Марказий ва периферик (сиртқи) асаб тизими касалликларидан: радикулитлар, невритлар, невралгиялар, турли невротик бузилиш ҳолатлари; юрак-томир патологияларидан: юракнинг ишемик касаллиги, стенокардия, гипертония касалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, «МЕДИВ» қалқонсимон без касалликлари, ошқозон-ичак йўлидаги носозликлар, жумладан, ошқозон яраси ва 12 бармоқли ичак яраси, ўт-сафро ҳайдаш йўллари дискинезиясида, сийдик-таносил тизимидаги касалликлар, гинекология соҳасидаги патологиялар, эркаклик қувватининг пасайиши сингари ҳолатларда ҳам яхши самара беради. Сурункали толиқиш синдромида ўта ижобий таъсир кўрсатиб, ортиқча безовталик ҳиссига барҳам бериб, уйқуни яхшилайди. Хавфли ўсма касалликларида иммунитетни кўтариш ва оғриқ аломатларини қолдириш, шунингдек, нурлантириш ва кимётерапия муолажаларидан сўнг инсон организмини қайта тиклаш мақсадларида «МЕДИВ» мосламасидан фойдаланишнинг ўта ижобий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ тажрибаларимиз ҳам талайгина.

***– «МЕДИВ»дан фойдаланиш борасида бирон-бир чекловлар борми?***

– Мазкур меъёрлаштирувчи аппаратдан фойдаланиш билан боғлиқ акс-таъсир ҳолатларининг умуман йўқлиги, шубҳасиз, унинг бебаҳо афзаллигидир.

Шундай бўлса-да, биз унинг ҳомиладор аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар ҳамда миокард инфарктини эндигина бошидан кечирган беморларда ва электрокардиостимулятор мавжуд бўлгани ҳолда қўлланишини тавсия қилмаймиз. Табиий даволаш воситалари, гиёҳлар билан даволаш, гомеопатия, парҳез билан даволаш ҳолатларида «МЕДИВ» бемалол бараварига қўлланилиши мумкин.

***– Саломатлик дискининг таъсир кучи қанча муддатда сезилади?***

– Аппарат бемор танасига қўйилган дастлабки соатлардаёқ унинг шифобахш таъсири юзага чиқа бошлайди. Қаттиқ ясси диск қайишқоқ бинт ёрдамида ёки шикастланган аъзога мўлжаллаб тикилган чўнтакча ёрдамида 8–12 соат давомида оғриқли соҳага ёки биологик фаол нуқталар устига мустаҳкамлаб қўйилади. Энг меъёридаги даволаш курси 3–4 ҳафта бўлса, кўпинча илк бора фойдаланишдаёқ оғриқ аломатлари йўқолган ҳолатлар анчагина учрайди. Бундан бир йил аввал уч марта клиник ўлим ҳолатини бошидан кечирган кекса онахон ёрдам сўраб бизга мурожаат қилди. Сурункали холецистит ва 12 бармоқли ичак яраси хасталикларидан кўп йиллар азоб чекиб келган бу аёлда дорилардан шок ҳолатига тушишгача олиб борадиган кучли аллергия бўлиб, у оғриқнинг зўридан мутлақо ухлай олмас эди. Дастлабки тўрт кун давомида қуёш чигали соҳасида «МЕДИВ»ни қўллаш натижасида аёл яна ҳаётга умид кўзи билан қарай бошлади: оғриқлари чекиниб, осуда сокин уйқу оғушида тинч ором оладиган бўлди ва бемалол қаддини кўтариб, юра бошлади. Тез орада иккинчи бор яна «МЕДИВ»ни сўраб келди. Умуман, турли хил органларни даволаш учун 6 та аппликаторни бирваракайига қўллаш мумкин.

***– Битта «МЕДИВ» қанча вақт давомида ишлатилади?***

– Саломатлик дискидан беш йил мобайнида узлуксиз равишда самарали фойдаланиш мумкин. Кўзларингизнинг майин, сокин нур сочиб чарақлаши, уйқунинг яхшиланиши, тери рангининг ўзгариб бориши саломатликнинг тикланиши сари қўйилган дастлабки одимлардир. «МЕДИВ»ни қўллаш – бу «Касаллик» бекатидан «Соғлиқ-саломатлик» бекатига, яъни, соғлом дунёга ўтиш демакдир.

Маҳсулот сертификатланган




ҲАЁТНИ САҚЛОВЧИ ВА СОҒЛИҚНИ ҚАЙТАРИБ БЕРУВЧИ «МЕДИВ» САЛОМАТЛИК ТУМОРИ

**Тезкор линия телефонлари:**

+(99871) **234-67-64, 234-74-91**
+(99897) **338-37-88, 104-59-15**

**МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ**
**Асомов кўчаси, 36-уй**




**БАҲОСИ – 49.500**

**Пенсионерлар учун чегирмалар бор!**

Қайд рақами ТТ05107 Лицензия рақами 6326

370Н/2266



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**15 март** 19-00

**ХАЛҚАРО ИСТЕЪМОЛЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕК ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ГАЛА-КОНЦЕРТ**

НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси

PanTerra

**ФАҚАТ ЮЛДУЗЛАР**

Iste'molchi · ПрессТИЖ ТВ · WWW.KAMALOV.UZ

Tel. 109-00-68

346R/331



*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қабул қилинган 2008 йил 21 февралдаги 54-сонли буйруққа мувофиқ, 2008 йил 1 апрелдан*

**почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар амалга киритилади.**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини етказиб бериш учун тарифлар қуйидаги миқдорларда белгиланди:**

- оддий ёзма хат-хабарлар — 75 сўм;
- буюртмали ёзма хат-хабарлар — 150 сўм;
- оддий бандероллар — 75 сўм.

***Почта алоқаси хизматлари ва тарифларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ва бўлимларида мавжуд.***

**ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ.**



**«AKTIV-INVEST» кредит уюшмаси**

атиги 5000 сўм эвазига пайчи бўлишга таклиф этади.

**Омонатлар (депозитлар)ни қабул қиламиз:**

- *1 йилдан 2 йилгача муддатга, йиллик* **46%**, фоизлар шартнома муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади;
- *3 ойдан 1 йилгача муддатга, йиллик* **36%**, фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

**Гаровга кредит берамиз.**

**Тел./факс: 235-57-25, 234-94-38, 234-73-99.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 46-лицензияси.*

295R/320



*Компаниялар, қўшма корхоналар ва фирмалар раҳбарлари диққатига.*

**«ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»**

**Дала палаткаси, аравали мотоцикл (мотороллер), электр ишлаб чиқариш ускунаси (двигатель), лаборатория махсус совутиш ускунаси, тола узунлигини аниқлашда ишлатиладиган велвет доскалар сотиб олиш бўйича**

**тендер эълон қилади.**

*Тендерда компаниялар, қўшма корхоналар ва фирмалар иштирок этиши мумкин. Таклифларни тақдим этиш муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 10 кун давомида.*

**Маълумотлар ва техник талаблар учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй, 342-хонага мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 142-52-01, 142-29-53.**

372R/430



**«PK TREXGORKA» ЁАЖ**

- Ўзи ишлаб чиқарган том қопламаларини (рубероидни) сотади.
- Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган
NSS UZ. 01.143.0513752

**245-10-32, 245-11-72, 245-11-82**



**«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ ҚК** DKG

**Кенг ассортиментда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар**

**Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.**

**Чегирмалар тизими мавжуд**

**Батафсил маълумот олиш учун сайтимиз: www.dkg-ag.de**



- пўлат сим
- пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялар учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилимлар (шины)
- арматура
- михлар

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй.
Тел./факс: (+ 998 71) 150-21-25
248-36-30, 248-81-89,
248-81-91, 248-20-63.
Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06.
E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

5309-5

**Кабель маҳсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта ғалтаклар (барабаны)ни сотиб оламиз.**

Буюртма бўйича тайёрлаймиз.



**«KAFOLAT RIELT» МЧЖ** 2008 йил 27 март ва 8, 15, 22 апрель кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.

**Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда қайтадан қўйилмоқда:**

**«ДЎСТОБОД НОН» АЖ**нинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, У. Юсупов кўчасида жойлашган «ДЎСТОБОД НОН» АЖ банкрот корхонасига тегишли бино ва иншоот, асбоб-ускуна ва бошқа мулклардан ташкил топган мулкий мажмуа. ***Бошланғич баҳоси — 41 123 687 сўм.***

**«МИНГ ЧИНОР» ХХСК**нинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Қўрғонча қўрғонида жойлашган, «МИНГ ЧИНОР» ХХСК банкрот корхонасига тегишли универмаг биноси ва бошқа мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилади. ***Бошланғич баҳоси — 13 705 400 сўм.***

**Шунингдек, «KAFOLAT RIELT» МЧЖ 2008 йил 10, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

**«7-сонли Механизациялашган кўчма колонна» МЧЖ**нинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Озод» ширкат хўжалигида жойлашган «7-сонли Механизациялашган кўчма колонна» МЧЖ банкрот корхонасига тегишли бино ва иншоот ҳамда бошқа мулклардан ташкил топган мулкий мажмуа.
***Бошланғич баҳоси — 155 927 792 сўм.***

Ушбу мулкларни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

